

XORAZM MA'RIFIATI



Ma'naviy - ma'rifiy, ijtimoiy-siyosiy, ommabop nashr

Gazeta 2010-yil iyul oyidan chiqqan boshlagan. 2023-yil 27-iyun, 11-12 (277-278) ISSN-2181-4813

Биз ривожланган мамлакатларда илм олган, малака оширган фарзандларимизга хамиша зарурат сезамиз ва уларни келгусида муносиб иш ўринлари билан таъминлашни кафолатлаймиз.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

"АКАМ МАКТАБИНГИЗГА АМЕРИКА ТАЪЛИМИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАЖРИБАЛАРИНИ ОЛИБ КЕЛДИ"

- ДЕЙДИ КАЛИФОРНИЯ ШТАТИДАГИ БОШЛАНГИЧ МАКТАБ ЎҚУВЧИСИ ФОЗИЛА АХМЕДОВА

Хонқа туманидаги Тома маҳалласида дув-дув гап тарқалди: америкалик ўқувчи мактаб болаларига дарс ўтаётганмиш. Бу аслида миш-миш эмас, ҳақиқат эди. Америка Қўшма Штатларининг Калифорния штати, Ирвине шаҳридаги Universiti High School мактабининг 10-синф ўқувчиси Бехрузбек Аҳмедов худудда жойлашган 33-умумтаълим мактабида ўнлаб ўғил-қизлар билан машғул ўтаётганди.

Шу ўринда Бехрузбек ҳақида икки оғиз: унинг келиб чиқиши шу маҳалладан. 2007 йилда Лондон шаҳрида туғилган. Қаҳрамонимизнинг ҳаёти тенгқурларига қизиқарли бўлганлиги учун уни батафсилроқ таништиришни лозим топдик.

Муқаддас Очилова шу маҳалланинг фарзанди. Юқорида номи қайд қилинган мактабни битказган. 1999 йилда она тили ва адабиёт фанидан Республика олимпиадаси ғолиби бўлади ҳамда Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетига имтиёзли қабул қилинади. 2003 йилда ушбу олийгоҳни бакалавр, 2005 йилда магистратура йўналиши бўйича тамомлайди. Энг эътиборли жихати, Кембридж университети магистратурасида таҳсил кўриш бахтига ҳам мушарраф бўлади. Чунончи, у 2008 йилда мазкур дорилфунунни тугаллаган биринчи ўзбек қизи эди.

Муқаддас дастлаб Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ва дипломатия университети сўнгра Буюк Британиядаги Lankaster университетиди таълим олган, Лондондаги нуфузли молия-иқтисод идораларида хизмат қилаётган ҳамқишлоғи Бердибек Аҳмедов билан тақдирини боғлайди. Бугунги кунда уларнинг ҳар иккаласи Америка Қўшма Штатларининг машҳур компанияларида фаолият олиб боришмоқда. Бехрузбек ана шу бахтли оиланинг тўнғич фарзанди.

Навбатдаги меҳнат таътилига чиққан М.Очилова дам олиш кунларини она ватанида, яқинлари бағрида ўтказишга қарор қилди. Ёлғиз эмас, изига фарзандларини ҳам эргаштириб келди. Ўғли Бехрузбек билимга чанқок, интилувчан бола эмасми, вақтини бекор ўтказмаслик, ота-онасига ҳарф танитган, санокни ўргатган устозларнинг, маҳалла ахлининг ўғил-қизларига нимадир ўргатиш, улар билан шуғулланиб юрган иши — амалий машғулотлар олиб бориш режасини туза бошлади. Дарвоқе,

Бехрузбек ўзи таълим олаётган ака-демик мактаб таомилига кўра, Америка Қўшма Штатларида кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини, етим-есирларни бепул ўқитяпти.

У сувни исроф қилмаслик, электр энергиясини тежаш, куч ҳосил қилиш, аэродинамика, ҳаво босими ва унинг ҳолати мавзуларида лойиҳа ишлаб чиқди. Аҳамиятли томони шундаки, машғулот қатнашчилари - турли ёшдаги мактаб ўқувчиларига уларнинг ҳар бирини ўргатиш учун икки кундан вақт ажратди. Машғулотларнинг ҳам назарий, ҳам амалий услубда ўтказилганлиги иштирокчиларнинг қизиқишини ўн чандон оширди, десак муболаға бўлмайди. Айрим машқларнинг ўқувчилар томонидан мустақил бажарилиши, тажрибаларнинг ўтказилиши уларнинг билим кўникмалари мустаҳкамланишига замин бўлди.

Жумладан, Бехрузбек сув мавзусини ўтганда ўқувчилар диққатини унинг Ерда энг кенг тарқалганлиги ва энг фойдали моддалардан бири эканлигига, инсон танасининг 70 фоизини сув ташкил этишига қаратди. Шунингдек, сувнинг иккита водород ва битта кислород атомларидан ташкил топганлигини, сув молекулаларининг мусбат ва манфий учлари борлигини, сувнинг музга қараганда камроқ жой эгаллашини амалий тажрибаларда кўрсатиб берди. Тенгдошларини бебаҳо бойлигимиз, ҳаёт-мамоти-миз бўлган сувни тежашга,

булғамасликка чақирди.

Электр энергияси мавзуси ўғил-қизлар учун энг қизиқарли мавзу бўлди, десак адашмай-миз. Улар электр қувватининг зарядланган зарралар оқимидан келишини билишдан ташқари электр токини ўтказадиган ва ўтказмайдиган моддалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлдилар. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳам электр манбаси бўлиши мумкинлигини тасдиқловчи тажриба ўқувчиларни ҳайратга солди. Улар сим орқали бир-бирига уланган иккита картошка ҳосил қилган энергиянинг электрон соатнинг ишлатгани гувоҳига айландилар.

Бехрузбекнинг аэродинамика мавзусида ўтган машғулотида иштирокчилар ниҳоятда диққатли ва фаол бўлдилар. Негаки, бу мавзу ўғил-қизлар учун янгилик эди. Энг ҳаяжонли дамлар осмонга ракета учирилган кун бўлди. Америкалик ўқувчи амалга оширган ракета моделининг кўкка парвозини томоша этиш учун бутун маҳалла йиғилдиёв. Келинг, аэродинамика атамасига қисқача изоҳ бериб ўтайлик: у объектлар билан ҳаво ўртасидаги ўзаро таъсир. Мухандислар самолёт ва ракеталар яратишда аэро-динамика қонуниятларидан фойдаланадилар. Аэродинамика ҳаво кемаларининг осмонда имкон қадар камроқ энергия билан тезроқ уча олиши учун зарурдир.

- Болалар билан машғулоти олиб боришдан кўзлаган мақ-

садим битта, -

дейди Б.Аҳмедов, - уларни тажриба ўтказиш орқали илмга қизиқтириш қолаверса, ўзимнинг ўзбек тилини чуқур эгаллашим. Дарвоқе, Америкада фақат уйдагина ўз тилимизда гаплашамиз. Бу етарли эмас, албатта. Ота-онам мен ва синглимнинг она тилимизни унутмаслигимиз аксинча, мустаҳкамлашимиз учун ҳамма шароитни яратяптилар. Яна бир гап: мен келажақда лойиҳани кенгайтириб, туманинг барча мактабларида амалга оширишни кўнглимга тугдим.

Ўрни келганда, Бехрузбек ўқувчиларига машғулоти ўтказган мактаб хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқ жоиз. Илм маскани 624 ўринли бўлиб, 1989 йилда фойдаланишга топширилган. Айни пайтда бу ерда 800 нафар атрофидаги ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Уларга билим бераётган 66 нафар педагогнинг 27 нафари олий, 21 нафари биринчи тоифали мутахассисдир. Бинобарин, билим даргоҳи ишга тушгандан буён унга халқ таълими авлочиси, ташкилотчи ва ташаббускор раҳбар Марямжон Курамбоева директорлик қияпти. Устоз мураббий "Шухрат" медали, "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени соҳибасидир. Маълумот ўрнида: Марямжон опа қаҳрамонимиз Бехрузбекнинг бувиси, Муқаддас Очилованинг онаси.

Мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчилари Чарос Шарипова, Шалола Йўлдошева, Райхон Отажонова, рус тили фани муаллималари Шахноза Шарипова, Ирода Бахтиёрова, Малоҳат Ражабовалар С1 сертификатини кўлга киритганлар. Шунингдек, информатика фани ўқитувчилари Шермат Шеримов, Кумуш Юсуповалар "Google for education" сертификати асосида иш юритмоқдалар.

2022-2023 ўқув йилида юқори синф ўқувчиларидан 5 нафари фан олимпиадасининг туман босқичида, 1 нафари вилоят босқичида биринчи ўринни эгалладилар. 7-синф ўқувчиси Аслбек Тўраев математика фанидан ўтка-




зилган вилоят ҳоқими олимпиадасида учинчи ўринга муносиб кўрилиб, Фаҳрий ёрлиқ ва уч миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Яна бир қувонарли ҳолат: илм маскани бу йил битказувчи ўқувчилардан 6 нафари инглиз тилидан IELTS ва миллий сертификат эгаллади. Ҳозирда жами 45 нафар битирувчининг 40 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттиришга ҳаракат қилмоқда. Улардан 5 нафари олтин медал эгаси саналади.

Билим даргоҳида спорт соҳасида эришилаётган муваффақиятлар ҳам салмоқли. Жумладан, ниҳояланган ўқув йилида 11-синф ўқувчиси Ш.Султонова ва 10-синф ўқувчиси Ш.Шариповалар бешта ташаббус доирасида ўтказилган спортнинг энгил атлетика тури бўйича мусобақанинг республика босқичида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. "Қувноқ стартлар" беллашувининг туман ва вилоят турларида ғолиб чиққан мактаб ўқувчилари ҳамда ўқитувчилар жамоалари мусобақанинг якуний босқичида қатнашиш учун йўланмани кўлга киритдилар. Ўқувчиларнинг энгил атлетика, ёзги биатлон спорт турлари бўйича эришган ютуқлари ҳам мактовга лойиқ.

Ушбу мақола муаллифи Бехрузбек томонидан ўтказилган якуний машғулотида иштирок этди ва тажриба жараёни билан танишди. Мактаб ўқитувчилари, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари билан суҳбат асосида Бехрузбекнинг онаси 2-синфда ўқийдиган қизи Фозиланинг айтган гапини эслатди: "Менинг акам сизнинг мактабингизга Америка таълимининг энг яхши тажрибаларини олиб келди". Жажжи қизалоқнинг мипти юрагидан чиққан бу сўзлар ҳақ эди.

Ф.МАШАРИПОВ.



Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 57-моддасига кўра, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошла-нади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ УНДА МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов куниди бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади. Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси иштирокида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов бюллетени махсус жихоз-

ланган овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади ва сайловчи томонидан тўлдирилган бюллетенни ёпиқ конвертда қолдириб, конверт елимланиб, комиссиянинг икки нафар аъзоси томонидан имзоланиб, комиссия муҳри билан тасдиқланади, конверт тегишли участка комиссиясининг сейфида сақланади.

Жорий йилнинг 20 июнь куни бўлиб ўтган Марказий сайлов комис-

сиясининг навбатдаги мажлисида сайловчиларнинг муддатидан олдин овоз беришни ташкил этишга доир масала муҳокама қилинди. Муҳокамалар якунида Президентлик сайловида муддатидан олдин овоз бериш 2023 йил 28 июнь куни бошланиб, 2023 йил 5 июль куни якунланиши белгиланди. Сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан соат 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари эса соат 11:00 дан соат 17:00 га қадар давом этади.

Ф.ЖАББОРОВ,

Хонқа тумани адлия бўлими бошлиғи.

ТАРБИЯЧИЛАР ОЙЛИГИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ОЙЛИГИГА ТЕНГЛАШТИРИЛАДИ

Жорий йилнинг 26 майида "Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда унинг тизимидаги ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 2023/2024 ўқув йилидан босқичма-босқич:

мактабларнинг 1-4 синфларида ўқувчиларга бошланғич, 5-9-синфларида таянч ҳамда 10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуалар жорий этилади;

баҳолашнинг янги тартиби жорий этилади, бунда ўқувчининг ўтилган мавзунини амалиётда қўллаш олиши, танқидий фикрлаш ва таҳлил қўникмалари баҳоланади;

бошланғич синфларда информатика, ўрта синфларда эса молиявий саводхонлик дарслари ўтилади;

барча фанлар бўйича амалий машғулотлар улуши 60 фоизга етказилади.

2024 йил 1 январдан мактабга биринчи марта ишга қабул қилинаётган ўқитувчиларни касбий сертификатлаш жорий этилади. Бунда 2023/2024 ўқув йилидан ўқитувчилар стажёр-ўқитувчи сифатида ишлайди ва бир йилда сертификат олиши шарт.

2024 йил 1 январдан давлат боғча, мактаб ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагогларига малака тоифаси беришнинг янги тартиби жорий қилинади. Бунда малака тоифаси учун синовлар 1 йилда камида бир маротаба икки босқичда ўтказилади ҳамда биринчи босқичда талабгорнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси, иккинчи босқичда педагогик маҳорати баҳоланади.

2024 йил 1 июндан боғчалардаги олий маълумотли тарбиячиларнинг ойлиги мактаб ўқитувчилари ойлигига тенглаштирилади.

О.ЮСУПОВ,
Урганч шаҳар адлия бўлими бошлиғи.

DAVLAT BOJI TO'LANMAYDI

"Davlat boji to'g'risida"gi qonunga muvofiq, fuqaro quyidagi hollarda xorijga chiqish biometrik pasporti berilganligi uchun davlat boji to'lashdan ozod qilinadi:

Yaqin qarindoshlari vafot etgan yoki ular dafn etilgan joylarni ziyorat qilganda;

fuqarolik va jinoyat ishlari bo'yicha huquqiy yordam ko'rsatish to'g'risidagi shartnomalarga (bitimlarga) binoan ular xorij sudlariga fuqarolik va jinoyat ishlari yuzasidan taraffar, guvohlar va ekspertlar sifatida chaqirilgan taqdirda;

voyaga yetmagan shaxsga, shuningdek unga hamrohlik qiluvchi shaxsga xorijiy davlatda ixtisoslashgan tibbiy yordam ko'rsatilganda yoki jarrohlik amaliyoti o'tkazilganda;

voyaga yetmagan shaxs ilm-fan, ta'lim, sport yoki madaniyat sohalaridan biridagi xalqaro tadbirda yoki musobaqada ishtirok etganda;

"Ijtimoiy himoya yagona reestri"ga kiritilgan shaxsga, shuningdek, unga hamrohlik qiluvchi shaxsga xorijiy davlatda ixtisoslashgan tibbiy yordam ko'rsatilganda yoki jarrohlik amaliyoti o'tkazilganda;

Biometrik pasport O'zbekiston yoki chet davlatlar hududida tabiiy va texnogen xususiyatli favqulodda vaziyatlar, shu jumladan maishiy tusdagi ofatlar yuz berganligi natijasida jabrlangan jismoniy shaxslar tomonidan yo'qotilgan yoxud yarqisiz holga kelganda.

Shuningdek, korxonalar, muassasalar va tashkilotlar tomonidan xorijga xizmat safariga yuboriladigan fuqarolarning xorijga chiqish huquqini beruvchi hujjatlar uchun davlat boji belgilangan tartibda ushbu korxonalar, muassasalar va tashkilotlar tomonidan to'lanadi.

S.ASHIROV,
Urganch shahar davlat xizmatlari markazi direktori.

Y A SH A SH J O Y I

UNGA DOIMIY RO'YXATGA TURISHNI QANDAY AMALGA OSHIRISH MUMKIN?

Bugungi kunda yashash joyiga doimiy ro'yxatga turishni fuqarolarimiz migratsiya va fuqarolikni rasmiylashtirish bo'linmalari yoki Davlat xizmatlari markazlariga tashrif buyurish yoxud my.gov.uz orqali amalga oshirishlari mumkin.

Fuqarolar Qoraqalpog'iston Respublikasi hamda viloyatlar bo'ylab doimiy ro'yxatga turish uchun murojaat qilishlari mumkin. Shuningdek, mazkur xizmatdan O'zbekiston Respublikasining

"Toshkent shahri va Toshkent viloyatida doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olinishi lozim bo'lgan shaxslar - O'zbekiston Respublikasi fuqarolari toifalarining ro'yxati to'g'risida"gi qonunga muvofiq:

Toshkent shahri va Toshkent viloyatida ko'chmas mulkka ega fuqarolar;

Toshkent shahrida doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olingan fuqarolar - Toshkent shahri va Toshkent viloyatidagi doimiy yashash manziliga doimiy ro'yxatga turishlari;

Toshkent viloyatida doimiy yashash joyi bo'yicha ro'yxatga olingan fuqarolar - Toshkent viloyati bo'ylab boshqa manzilga doimiy ro'yxatga turishlari mumkin.

Xizmatdan my.gov.uz orqali foydalanganda to'lov 10 foiz chegirma bilan amalga oshiriladi.

Arizalar 1 ish kuni ichida ko'rib chiqiladi.

Eslatib o'tamiz, mazkur davlat xizmatidan faqatgina O'zbekiston Respublikasi fuqarolari foydalanishlari mumkin.

I.MAMARAIMOV,
Urganch shahar davlat xizmatlari markazi bo'lim boshlig'i.

X O D I M

UNI HAR YILGI MEHNAT TA'TILIDAN CHAQIRIB OLISH TARTIBI

Xodimni ta'tildan chaqirib olishga faqat ma'lum shartlar va tartib-qoidalarga qat'iy rioya qilgan holatlardagina yo'l qo'yiladi. Mehnat kodeksi (keyingi o'rinlarda-MK) 232-moddasiga ko'ra, har yilgi mehnat ta'tildan chaqirib olishga ta'tilning istalgan vaqtida, faqat xodimning roziligi bilan yo'l qo'yiladi. Shu munosabat bilan ta'tilning foydalanilmay qolgan qismi xodimga mazkur ish yili davomida boshqa vaqtda berilishi yoki ushbu Kodeksning 230 va 231-moddalarida nazarda tutilgan talablarga rioya etilgan holda keyingi ish yilida berilishi kerak.

O'n sakkiz yoshga to'lmagan xodimlarni, homilador ayollarni va mehnat sharoitlari o'ta zararli va o'ta og'ir ishlarda band bo'lgan xodimlarni har yilgi mehnat ta'tilidan chaqirib olishga yo'l qo'yilmaydi.

Xodim ta'tildan chaqirib olishga roziligi to'g'risida alohida ariza yozishi, shuningdek roziligini bevosita ish beruvchining buyrug'ida yozib, imzo va sana qo'yish bilan aks ettirishi mumkin. Buyruqdagi yozuv shunday mazmunda bo'lishi mumkin: "Ta'tildan chaqirib olinishga va uning foydalanilmay qolgan qismini boshqa muddatga ko'chirishga qarshi emasman" yoki "Mehnat ta'tilidan chaqirib olishlariga roziman".

Agar tomonlar ta'tilning bir qismi joriy yilda taqdim etilishi to'g'risida kelishgan bo'lsa, buyruqda bu qismdan foydalanish oyi yoki kalendar davri ko'rsatilishi yoki ta'tilning foydalanilmagan qismi joriy yilda xodimning arizasiga ko'ra taqdim etilishi to'g'risida yozilishi kerak.

Xodimning roziligi bilan uni ta'tilga chiqqan kunning ertasiga ta'tildan chaqirib olish mumkin. Ya'ni 14 yoki 21 kalendar kundan keyin chaqirib olinishi shart degan talab yo'q. MKning 230-moddasiga ko'ra, har yilgi mehnat ta'tili har yili, ushbu ta'til berilayotgan ish yili tugaguniga qadar

berilishi kerak. Ishlab chiqarish xususiyatiga ega sabablarga ko'ra joriy yilda har yilgi mehnat ta'tilini to'liq berish imkoni bo'lmagan alohida hollarda xodimning roziligi bilan ta'tilning 14 kalendar kundan ortiq bo'lgan qismi keyingi ish yiliga ko'chirilishi mumkin bo'lib, ushbu yil davomida undan foydalanilishi shart.

MKning 231-moddasiga ko'ra, xodim va ish beruvchi o'rtasidagi kelishuvga ko'ra har yilgi mehnat ta'tili qismlarga bo'linishi mumkin. Bunda ushbu ta'tilning hech bo'lmaganda bir qismi 14 kalendar kundan kam bo'lmagligi kerak.

"Yillik mehnat ta'tili vaqtida saqlanib qolinadigan o'rtacha ish haqi miqdorini aniqlash tartibi to'g'risida"gi Yo'riqnomaning 21-bandiga ko'ra, xodim ta'tildan chaqirib olinsa va ta'tilning qolgan qismi boshqa muddatga ko'chirilsa, ta'tilning ko'chirilgan kunlariga to'g'ri keladigan to'langan o'rtacha ish haqi summasi bajarilgan ish yoki ishlangan vaqt uchun oylik ish haqi hisobiga yoziladi. Ta'tilning foydalanilmagan qismi kunlariga haq to'lash uchun o'rtacha ish haqi belgilangan tartibda hisoblab chiqiladi.

E'tibor bering, xodimni ta'tildan chaqirib olish qoidalari har yilgi mehnat ta'tiliga nisbatan tatbiq qilinadi. MKning 216-moddasiga ko'ra, har yilgi mehnat ta'tilining turlari quyidagilardan iborat:

asosiy mehnat ta'tili (har yilgi asosiy eng kam yoki har yilgi asosiy uzaytirilgan); ushbu Kodeksning 222-moddasida nazarda tutilgan tartibda asosiy eng kam yoki asosiy uzaytirilgan ta'til bilan jamlab hisoblanadigan qo'shimcha mehnat ta'tili.

Shuni unutmaslik kerakki, ta'tildan chaqirib olish qoidalari ijtimoiy ta'tillarga, shu jumladan ish haqi qisman saqlanadigan ta'til va ish haqi saqlanmaydigan ta'tillarga nisbatan qo'llanilmaydi.

D.XUDAYQULOV,
Urganch shahar yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti.

ХУЖЖАТ АЙЛАНИШИ

УНИНГ ЯГОНА ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Шу йилнинг 24 майида "Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, Ягона интерактив давлат хизматлари портали рақамли хизматлар ва сервислар кўрсатиш ҳамда уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

Ягона портал орқали кўрсатилadigan хизматлардан фойдаланиш босқичлари "3 қадам" тамоийли асосида мақбуллаштирилади.

2023 йил 1 декабрдан фуқаролар рақамли хизматлардан мустақил фойдаланишлари учун давлат хизматлари марказларида биринчи босқичда 14 та "Рақамли хизмат нуқта"лари ташкил этилади.

2024 йил 1 январдан рақамли хизмат ва сервислар, электрон тўловлар, медиа ресурслар имкониятини бирлаштиришни назарда тутувчи Ягона

портал орқали хизматларни тақдим этишнинг янги дастурий таъминот шакли жорий этилади.

2023 йил 1 сентябрдан ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари "edo.ijro.uz" тизимида ўтказилади. 2024 йил 1 майдан ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳудудий бўлинмалари ва улар тасарруфидаги ташкилотлар "edo.ijro.uz" тизимида тўлиқ ўтказилади.

2023 йил 1 августдан давлат органларида рақамли технологияларни жорий этишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларнинг 50 фоизи келгуси молия йилида мазкур давлат органлари фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилади. Шунингдек, 2023 йилда мобил интернет фойдаланувчилари сонини ошириш чоралари кўрилади. Бунда улар сонини 31,5 млн. нафарга етказиш назарда тутилган.

Н.КУРБАНБАЕВА,
Урганч шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими 1-тоифали инспектори.

НИКОХ МАЖБУРЛАБ ТУЗИЛСА...

Мажбурлаб тузилган никоҳ жабрланувчи (унинг қонуний вакиллари) ёки прокурорнинг аризаси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун Оила кодексига белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди.

Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин 300 кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди.

З.АДАМБАЕВА,
Урганч шаҳар фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими 2-тоифали инспектори.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

ДАВЛАТ МУСТАКИЛЛИГИНИНГ БЕЛГИЛАРИ (Боши 6-бетда).

Давлатимиз рамзларида халқимизнинг асрлар давомида шаклланган қадриятлари, тараққиёт йўли акс эттирилган. Ҳар бир давлат рамзи бўйича алоҳида қонунлар қабул қилинган.

Хусусан, 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги, 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги, 1992 йил 10 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунлар билан давлат рамзларининг шакли, тузилиши, улардан фойдаланиш тартиби белгиланган.

Ҳар бир қонунда фуқаролар, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзларини ҳурмат қилишлари шарт эканлиги мустаҳкамланган.

Давлат рамзларининг химоясини таъминлаш мақсадида уларга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

О.ОТАБОЕВ,
Хонқа тумани адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

МЕДИАТСИЯ

HUQUQIY BAHS-MUNOZARALARNI O'ZARO KELISHUV ASOSIDA VA SAMARALI HAL QILISH YO'LI

2018-yil 3-iyulda O'zbekiston Respublikasining "Mediatsiya to'g'risida"gi qonuni qabul qilindi. Ayni paytda O'zbekiston nizolarni hal qilishning muqobil usuli, mediatsiyadan foydalanishning dastlabki bosqichida turibdi.

Mediatsiya nima? Umuman olganda, mediatsiya - bahs-munozaralarni uchinchi betaraf tomon ishtirokida tartibga solishga doir huquqiy texnologiya.

Mediatsiya qachon qo'llaniladi? Mediatsiya suddan tashqari tartibda, bahs-munozarani sud tartibida ko'rib chiqish jarayonida, sudning qaror chiqarish uchun zalni tark etishidan oldin. Agar gap Hakamlik sudi haqida ketayotgan bo'lsa, shakl xuddi shunday bo'ladi. Yodingizda bo'lsin: mediatsiyada ishtirok etish fakti aybga iqror bo'lishning isboti hisoblanmaydi!

Mediatsiya ishtirokchilari. Jarayon ishtirokchilari - tomonlar va mediator. Tomonlar shuningdek, ham jismoniy, ham yuridik shaxslar bo'lishi mumkin. Tomonlar ham mediatorlar kabi ikki nafar va undan ko'p bo'lishi mumkin.

Mediator kim? Mediator ikki tomondan bahs-munozarani tartibga solish uchun jalb qilinuvchi shaxs. Jarayonni o'tkazishda vositachi mustaqil va xolis bo'ladi. Vositachining ishi tomonlar manfaatiga qarab olib boriladi. Vositachilar ikki toifaga bo'linadi:

- professional vositachilar - O'zbekiston Adliya vazirligi dasturi bo'yicha ta'lim kursini o'tovchi shaxslar;

- nonprofessional vositachilar - 25 yoshdan oshgan, mediator bo'lish istagini bildirgan shaxslar (ular xohishlariga ko'ra Adliya vazirligi qoshida maxsus ta'lim kursini o'tashlari mumkin).

R.IBRAGIMOV,
viloyat adliya boshqarmasi bosh maslahatchisi.

АХОЛИНИ РЎЙХАТГА

ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК

БУ ЖАРАЁНДА МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирларига доир қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу тадбирни самарали ўтказишга тайёргарлик кўришнинг мезонлари белгилаб берилган.

Аҳолини рўйхатга олиш кенг қамровли, кўп вақт ва маблағ талаб қиладиган тадбир ҳисоблангани боис бир қатор масъул давлат идораларининг ҳамкорликдаги фаолияти натижасида амалга оширилади. Шулардан бири фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари саналади.

Маълумки, рўйхатга олиш ишлари бевосита маҳаллалар кесимида ташкил этилади. Шундай экан, маҳалла, кўча, хонадон ва у ерда яшовчи фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар қанчалик аниқ ва тўғри шакллантирилган бўлса, рўйхатга олиш ишларининг натижаси шунчалик самарали бўлади. Шу боисдан тайёргарлик ишларининг аксариятини бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб бориш белгиланган. Хусусан, аҳоли пунктларида яшовчи (доимий рўйхатда турган) аҳоли сонининг тўлиқ рўйхати тузилишини таъминлаш, ҳар бир маҳаллада мавжуд кўчаларнинг номи, уйлар ва квартираларнинг рақамлари кўрсатилган кўрсаткичлар бўлишини таъминлаш ишлари аҳолини рўйхатга олишга тараддуд кўриш мобайнида статистика идоралари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан биргаликда амалга оширилиши керак бўлган асосий вазифалардан биридир.

А. ЖУМАНИЕЗОВ,
вилоят статистика бoshqarmasi бўлими бошлиғи.